


## ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 1679,0 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 фоизни, шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 83,5 млрд. сўмни (101,5 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 1551,7 млрд. сўмни (103,9 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,1 млрд. сўмни (41,0 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 9,1 млрд. сўмни (103,9 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд. сўмни (96,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 29,3 млрд. сўмни (93,2 фоиз) ташкил қилди.


### 2019 йилнинг январь-мартда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

млрд.сўм



Хусусан юкори ўсиш суръатлари Пешкў (105,1 фоиз), Вобкент (104,9 фоиз), Шофиркон (104,8 фоиз) туманларида кузатилди. Когон (44,7 фоиз) ва Бухоро (93,8 фоиз) шаҳарларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Ғиждувон туманининг улуши 20,8 фоизни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Бухоро ва Пешкў туманлари мос равишда 13,2 фоиз ва 11,1 фоиз кўрстакич билан кейинги ўринларни эгаллади, энг кам улуш Бухоро шаҳар (1,4 фоиз) ва Қоровулбозор (3,9 фоиз) туманларида қайд этилди.

### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари


2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 103,7 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 101,5 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари 103,9 фоизни ташкил қилди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 91,3 фоизи - деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,5 - фоизи фермер хўжаликларига, 2,2 фоизи - қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

### Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида, % ҳисобида



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юкори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши кузатилди.

### Деҳқончилик


2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларнинг ҳажми 83,5 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 101,5 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 5,1 фоизни ташкил қилди.



### Ҳосилни йиғиб олиш.

Жорий йилнинг январь - март ойларида сабзавотлар 3191 тонна (103,9 фоиз), мева ва резаворлар (лимон) 172 тонна (103,6 фоиз) йиғиб олинди.

Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши, % ҳисобида



- фермер хўжаликлари
- деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар


Дехқон ( шахсий ёрдамчи) хўжаликлари дехқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда, ҳисобот даврида умумий сабзавотлар ҳажмининг 66,2 фоизи, мева ва резаворларнинг 97,1 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилди.

### 2019 йилнинг январь-мартида шахар ва туманлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

#### Сабзавотлар (тонна)



#### Мевалар ва резаворлар (тонна)



#### Чорвачилик




2019 йил январь - март ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1551,7 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 94,9 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 43,8 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь - мартга нисбатан 4,6 фоизга кўп), 181,0 минг тонна сут (3,1 фоизга кўп), 77,3 млн.дона тухум (0,3 фоизга кўп), 106 тонна жун (1,0 фоизга кўп), 142,2 минг дона қоракўл тери (ўтган йилга нисбатан 0,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

### Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича тахлил қилар эканмиз, тирик вазнда гўштнинг умумий ҳажмидан 96,2 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 94,3 фоизи, тухумнинг 45,2 фоизи, жуннинг 93,4 фоизи, қоракўл терининг 92,0 фоизи ҳам деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.



- фермер хўжаликлари
- деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини  
худудлар кесимида тақсимланиши**

**Гўшт (минг.т)**



**Сут (минг.т)**



**Тухум (млн.дона)**



**Балиқ (тонна)**






## Йирик шохли қорамоллар ва паррандалар бош сони

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1207,4 минг бошни, шу жумладан сигирлар – 393,0 минг бошни, қўй ва эчкилар – 2124,5 минг бошни, от - 5166 бошни, паррандалар – 4594,3 минг бошни ташкил этди. 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 11,7 минг бошга (1,0 фоизга), шу жумладан сигирлар – 9,0 минг бошга (2,3 фоизга), қўй ва эчкилар – 36,1 минг бошга (1,7 фоизга), отлар - 330 бошга (6,8 фоизга), паррандалар – 259,5 минг бошга (6,0 фоизга) кўпайди.

### Хўжалик тоифаларининг чорва моллари ва паррандалар бош сонидagi улуши, % ҳисобида



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича тахлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамоллар 5,3 фоизи фермер хўжаликлари 93,5 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга



тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 11,7 фоизи фермер хўжаликларига, 81,8 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 10,3 фоизи фермер хўжаликларига, 59,5 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 30,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

### 2019 йил 1 апрель ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

**Йирик шохли қорамоллар (минг бош)**      **шу жумладан: сизирлар (минг бош)**



**Қўйлар ва эчкилар (минг бош)**



**Паррандалар (минг бош)**



**Фермер хўжаликлари.** 2019 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 106,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 6,5 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 64,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 19,4 минг бош сигир, 248,6 минг бош қўй ва эчкилар, 473,2 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 1,6 фоизга, қўй ва эчкилар 9,9 фоизга, паррандалар 2,3 мартага кўпайган.

**2019 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	2018 йил январь-март		2019 йил январь-март		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	1160	2,8	1197	2,7	103,2
Сут	8825	5,0	9430	5,2	106,9
Тухум, минг дона	1943	2,5	5006	6,5	2,6 м.к.
Қорақўл тери, дона	9486	6,7	10001	7,0	105,4
Жун	4	3,8	5	4,7	125,0
Сабзавот	483	15,7	462	14,5	95,7
Мева ва резаворлар	-	-	5	2,9	-